БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 187 (4286)
16 АВГУСТ 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ЗАРБДОР, СЪЕЗДОЛДИ ВАХТАСИ

Ўзаро мусобақадош Киров ва Собир Раҳимов районларининг ишлаб чиқариш коллективлари КПСС XXVI съездига ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлашга интилиб, беш йилликнинг якунловчи йили етти ойлик планини муддатидан аввал бажардилар. Бу индустрия ходимларига, мамлакат халқ хўжалигига топшириққа қўшимча 6 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот бериш имконини яратди. Бунда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг асосий қисмига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Меҳнат унумдорлигини юксалтириш, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, металлни, ёнилғини, электр қувватини тежаш, янги техникани жорий этиш бўйича топшириқлар ҳам ортиғи билан адо этилди.

Иккала райондаги корхоналарнинг йилнинг етти ойидаги социалистик мажбуриятларининг бажарилиши, хўжалик-иқтисодий фаолияти ҳақида биз бугун газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўзаро мусобақадош районлар ва корхоналарнинг коллективлари ўртасидаги анъанавий йўқламамизни бошлаб ҳикоя қиламиз.

Шундан кейин шаҳардаги Октябрь ва Чилонзор, Ҳамза ва Куйбишев, Ленин ва Фрунзе, Акмал Икромов ва Сергели районларидаги корхоналарнинг мусобақаси якуни ҳақида сўз юритамиз.

Тошкентнинг якшанба куни

ГЎЗАЛЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

КЎРГАЗМАДА ЗАРДЎЗЛИК БУЮМЛАРИ

Ўзбек чеварларининг декоратив амалий санъати кўп асрлардан буён шуҳрат қозониб келмоқда. Айниқса, Бухоро зардўзлик ишлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида очилган «Бухоронинг заргарлик буюмлари» кўргазмасига XIX—XX асрларда ижод қилган усталарнинг ишлари қўйилган. Экспонатлар орасида эркакларнинг байрамларда киядиган тўнлари, хотин-қизлар либослари бор. Бу буюмлар ўзининг юксак бадиий сифати, чокларининг жимжимадорлиги, рангининг мутаносиблиги, газламасининг пишиқлиги билан ажралиб туради.

Бухородаги «Октябрь 40 йиллиги» номли зардўзлик фабрикасида ўтган асрлар усталарининг энг яхши анъаналари замонавий ифодасини топмоқда. Бу буюмлар истеъмолчиларга жуда манзур бўляпти. Дўппилар, сумкалар, камзуллар, совғабоп буюмлар шулар жумласидан.

Музей фондларида авайлаб сақланаётган зардўзлик буюмларининг бой мажмуасидан 60 дан ортиқ экспонат ажратиб олинган. Улар ҳозирги усталар ижодий ёндошиб, такомиллаштираётган халқ амалий санъатининг ажойиб анъаналари ҳақида эркин тасаввур беради.



СУРАТДА: кўргазма экспонатларидан бири.

● ДЕНГИЗГА!

ИСТАЙМАНКИ, ЁЗ ТУГАМАСИН...

Иссиқ кунлар ҳозирча бор экан, албатта фурсатни ғанимат билиб, денгизга ошиқинг. Биринчи пойафзал фабрикаси ишчилари худди шундай қилишади. Улар ҳар якшанба мириқиб ҳордиқ чиқариш учун Тошкент денгизи сари йўлга чиқишади.

Мана, бу якшанбада ҳам тонг саҳарда корхона эшиги олдидан тўртта автобус Тошкент денгизи томон жўнаб кетади. Яна бир группа пойафзалчилар Юсуфхона дам олиш зонасига боради. Уларни тоғ жилғалари, ёлғизоёқ сўқмоқлар кутмоқда...

● ОРОМГОҲ ЧОРЛАЙДИ

«КРУИЗ» АНСАМБЛИ КОНЦЕРТ БЕРАДИ

Фрунзе район 2-маданият уйининг «Круиз» ансамбли Киров номидаги маданият ва истироҳат боғи зиёратчилари учун катта концерт программасини тайёрлади. Якшанба куни бу ерда қатор қизиқарли тантаналар ўтказилади.

Шунингдек, бу ерга келувчилар «Даврани кенг олинг» рақс конкурсида қатнашишлари мумкин. Бундан ташқари истироҳат боғида район «Билим» жамияти лекторлари томонидан лекциялар ўқилади, мультфильмлар программаси намойиш этилади.

● ОТЧОПАРГА МАРҲАМАТ

АРҒУМОҚЛАР ЕЛДЕК УЧАДИ

Мабодо якшанба куни йўлингиз Тошкент отчопарига тушиб қолса, у ерда сизни унутилмас таассуротлар қолдирадиган ажойиб воқеаларнинг шоҳиди бўласиз. Эрталаб соат 11 дан бу ерда қизиқарли спорт байрами бошланади. Отчопарнинг югуриш йўлкаларида «Дэрби соврини» учун 2400 метрга пойга ўтказилади.

Томошабинлар 22 от билан ўтказиладиган пойғанинг гувоҳи бўладилар. Биринчиликни ким оларкин?

● БАЙРАМЛАР

ЁЛҒИЗ ОРЗУ БЎЛАР УЧУВЧИЛАРДА

Туркистон ҳарбий округи тарихи музейида Улуғ Ватан уруши ветеранлари — Ватан учун жангларда Советлар мамлакатининг осмонини ҳимоя қилган ҳарбий учувчилар билан учрашув бўлади.

Музей зиёратчилари учувчилардан Москва ва Ленинград осмонида бўлган ҳаво жанглари хотиралари, учувчиларнинг ҳавода кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида қизиқ ҳикояларни тинглайдилар.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

СЎЗ — ҚУРИЛИШ РАҲБАРЛАРИГА

Янги уфқларни кўзлаб

Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирган трестимиз коллективи кенг миқёсда бунёдкорлик ишларини олиб боряпти. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида бош пудрат бўйича 83,8 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўз кучлари билан иш бажариш ҳажми эса 40,2 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди. Шу давр мобайнида 240 минг квадрат метрга яқин турар жой, 10 та болалар боғчалари, олтита мактаб, қатор саноат ва маданий-маиший объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг ремонт-механика заводи, кўп қаватли гараж, метронинг алоқа уйи, алюмин витражлар цехи, Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг лаборатория корпуси, «Узгипросельстрой» биноси ва бошқа объектлар шулар жумласидандир.

Беш йилликнинг бошидаёқ трестимиздаги кўпчилик бригадалар ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишган эди. Етти бригада доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида ўз ваъдасининг устидан чиқиб, ўнинчи беш йиллик планларини адо этди. 3-қурилиш бошқармасининг В. Анаприенко, В. Смирнов, 12-қурилиш бошқармасининг Э. Чабанов, Т. Кожанова, А. Қодиров, А. Уланова, Л. Икономому бошлиқ бригадалари шулар жумласидандир.

Трестимиздаги 17 бригада эса беш йилликни 1 июлга қадар, 14 бригада эса 7 ноябрга қадар бажариш мажбуриятини олиб ишлади. Улар ҳам ўз сўзларининг устидан чиқишяпти.

Айни пайтда трестимиз ишлаб чиқариш бўлинмаларида ватанпарварлик ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаш, прогрессив иш усулларини оммалаштиришга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Масалан, Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинати илғор бригадаларининг «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш» бўйича ташаббусини трестимизнинг 10 та бригадаси қўллаб-қувватлади. Бунинг натижасида шу йилнинг ярим йили реализация плани бош пудрат бўйича 110,5 процентни, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғи эса 121,4 процентни ташкил этди.

Шу давр ичида 18,8 минг квадрат метрдан ортиқ турар жойлар, 660 ўринли иккита болалар боғчаси, республика хотин-қизлар педагогика билим юртининг спорт зали, карлар жамиятининг 2-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бинолари фойдаланишга топширилди.

1980 йилнинг иккинчи ярим йилида ҳам коллективимиз олдида катта вазифалар турибди. 36 минг квадрат метрдан ортиқ турар жойлар фойдаланишга топширилиши керак. Бу ўтган йилнинг иккинчи ярим йилидагига қараганда 14 минг квадрат метр кўпдир. Шунингдек 960 ўринли учта болалар боғчасини ҳам йил охиригача фойдаланишга топширамиз.

Бу план-топшириқларнинг тиғизлиги аввало трестимиздаги барча ишлаб чиқариш бўлинмаларининг аниқ маромда ишлашини, энг аввало қурилиш материаллари; цемент, ғишт каби зарур бинокорлик материалларининг Ўзбекистон ССР Саноат қурилиш материаллари министрлигига қарашли «Промстройкомплект» бирлашмаси заводларидан узлуксиз етказиб берилишини тақозо этади. Тошкент қурилиш Бош бошқармаси томонидан ишга тушириладиган барча объектларни керакли ишчи кучлари ва ёрдамчи-пудратчилар билан таъминлаш бўйича катта иш олиб борилляпти. Шу билан бирга ҳали бу борада бир қатор муаммолар ҳам бор. Масалан, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлигига қарашли ёрдамчи-пудратчилар янада тезкорлик билан иш бажаришлари лозим. Негаки, улар йилнинг дастлабки олти ойи бўйича ўз топшириқларини бажармадилар. «Ташсантехгазмонтаж» трестининг ихтисослаштирилган хўжалик хисобидаги ремонт бошқармаси, «Узпромвентиляция» трестининг бошқармалари иш графикларини мунтазам бузишмоқда.

Барча қурилиш ташкилотларининг, буюртмачи ва таъминотчи ташкилотларнинг асосий бурчи ишга тушириладиган объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилишини таъминлаш учун бутун чора ва тадбирларни амалга оширишдан иборат.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олишга аҳд қилган Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли бизнинг трестимиз бунёдкорлари ҳам бу борада ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, қурилиш ишлари суръатини ошириш учун бутун куч-ғайратларини ишга соладилар.

Б. МУҲИДДИНОВ,
Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда корхонанинг пешқадам ишчилари С. Босирова ва Н. Ковальковалар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Н. Ковалькова ва С. Босирова.

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ

Шаҳримизнинг Сергели массивидаги 2-микрорайонда Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли 3-трестнинг 44-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари яна бир янги ётоқхона биносида сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришяпти. Бошқарманинг Ш. Акбаров бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси азаматлари бухгалтерия-учёт техникуми студентлари учун мўлжалланган ҳар томонлама қулай янги ётоқхонани янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

600 талаба истиқомат қиладиган ётоқхона биносида бригаданинг Э. Алимуҳамедов, У. Аҳметов, А. Аҳмедов сингари пешқадам бунёдкорлари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Бинокорлар объектда қурилиш-монтаж ва сайқал ишларини юксак сифатли амалга оширишга катта аҳамият беришяпти.

Ғ. ҲАКИМОВ.

● *Техника тараққиёти йўлида*

Бутун мамлакат пайвандчиларига

Янги қурилиш яқинида яшайдиганлар орасида ўз телевизорининг экранида оппоқ ингилмачак чизиқларни кўриб хуноби ошмаганлар йўқ дейсизми? Пайвандлаш аппаратлари вужудга келтирувчи радио ҳалақит шунчалик кучлики, уларнинг яқинида телевизор кўриб ёки радио эшитиб бўлмайди. «Ташэлектромаш» заводи ишлаб чиқаришни ўзлаштирган янги трансформаторлар пайвандлаш чоғида радио ҳалақитларни бостирувчи кучли система билан таъминланган ва эфирни булғамайди ҳисоб.

Бу аппарат аввалгисидан енгил ва айни маҳалда анча кучли.

Шу трансформаторлар асосида ёй кучланишини 12 вольтга қадар пасайтириб берадиган қурилмали аппаратларни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бундай аппаратлар шахталарда, намлик кўп бўлган жойлар, темир чоиларда пайвандлаш ишларини олиб боришни батамом хавфсиз қилади. Иккинчи бир модель кўп энергияни тежашга имкон беради.

Тошкентда ясалаётган ёй пайвандлаш трансформаторлари БАМда, Нокоратупроқ зона ва Сибирнинг янги қурилишларида ишламоқда. Завод бир йилда 30 мингтага қадар шундай трансформатор ишлаб чиқармоқда. Ҳар 100 аппаратдан 85 тасига Сифат белгиси қўйилган.

(ЎзТАГ).

ТЕЖАМКОРЛИК — ЯХШИ ФАЗИЛАТ

ҚИММАТЛИ ТАКЛИФЛАР

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасида ишлаб чиқаришнинг техник даражасини оширишда рационализаторлар ва ихтирочилар салмоқли ҳисса қўшаяпти. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йилларида ишлаб чиқаришга 1255 рационализаторлик таклифи жорий этилди. Унинг иқтисодий самараси 3.277 минг сўмни ташкил этди. Бу демак, ўнинчи беш йиллик учун белгиланган рационализаторлик ва ихтирочилик ишлари плани бажарилди.

Рационализаторлар ижодий фаолияти ғоят серқирра. Улар қўл меҳнатини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, материалларни тежаш, янги илғор технологияни жорий этиш, буюмлар конструкциясини, станокларни, механизмларни такомиллаштириш, меҳнат шароитини яхшилаш каби масалалар билан шуғулланадилар.

Ўтган беш йилликда рационализаторларнинг таклифи билан 420 тонна қора ва 92 тонна рангли металлар, 68 миллион киловатт-соат электр қуввати ва бошқа материаллар тежалди. Ишлаб чиқариш новаторлари кимлар? Уларнинг номлари корхонада кенг маълум. Рационализаторлар Т. Худойбердиев, Б. Яртиев, С. Кочегин, В. Коршиков, А. Гусев кўпгина қимматли таклифлар киритишган.

Рационализаторлар КПСС XXVI съездига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлашга интилиб, иқтисодий ва самарадорлик бўйича ўнинчи беш йиллик планини 130 процент бажариш мажбуриятини олдилар.

МАССИВНИНГ ДАСТЛАБКИ БИНОЛАРИ

Шаҳримизнинг Беруний кўчасида учта янги турар жой биноси қад ростлади.

БУГУН

ана шу уйларда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Янги истиқомат масканларини «Узглавводстрой»га қарашли ПГС трестининг биринчи кўчма механизациялашган колоннаси қурди. Сайқал бериш ишларини К. Аказиди ва Б. Дорошенко бригадалари бажаришмоқда. Бригадаларнинг Р. Амиров, Б. Левченко, С. Зиганшина каби сайқалчилари бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Янги уй-жойлар Беруний кўчасида яқин келажакда бунёд этиладиган «Б—1» янги массивнинг дастлабки биноларидир.

В. ДАНИЛЬЧЕВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 14 август куни Қримда Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри К. Фомвихан билан дўстона учрашди.

Л. И. Брежнев билан К. Фомвиханнинг учрашуви қардошларча, самимий вазиятда ўтди ва қарашларнинг тамомила бир хил эканлигини кўрсатди.

✦ Учишни бошқариш маркази хабар беради: Леонид Попов билан Валерий Рюмин 129 кундан бери космик фазода ишлаяптилар.

«Салют-6» — «Союз-37» орбитал комплекси ичида куннинг кўп қисми экипажни медицина текширишларига ажратилган. Космонавтлар кўп функционал «Полином-2М» аппаратининг ёрдами билан юракнинг биоэлектрик активлигини ҳамда ташқи нафас олиш параметрларини тадқиқ этдилар.

Тошкентликлар оталиқ қилмоқда

Тошкентдаги учинчи маданият уйининг автобуси Жиззах областининг Дўстлик райони марказида пайдо бўлганида иш куни тугаган эди. Халқ вокал-хореография ансамбли пахта йиғим-теримига бағишлаб ёш пахтакорлар учун ўтказиладиган кечада қатнашмоқ учун район марказига етиб келди. Ансамбль область музикали драма театрининг артистлари билан биргаликда деҳқонларнинг илтимоси асосида тузилган концерт программасида қатнашиб, ўз маҳоратини намойиш этди. Тошкентлик ҳаваскор артистларнинг бундай сафарлари, дала шийпонларида концерт қўйиб беришлари анъана тусини олди.

Ўзбекистон пойтахтидаги кўпгина маданият уйларининг коллективлари пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишда қатнашмоқдалар. Чунончи, Ҳамза, Акмал Икромов районлари ва шаҳардаги бошқа районларнинг маданият уйлари оталиққа олган хўжаликларда «КПСС XXV съездидан — XXVI съездигача» мавзуида бир қанча кечалар тайёрламоқдалар.

(ЎзТАГ).

ИНСТИТУТНИНГ ЯНГИ ФИЛИАЛИ

Бутуниттифоқ «Гипровуз» институтининг Тошкентдаги филиали кейинги икки ой ичида республикамизнинг турли шаҳарлари учун қатор лойиҳаларни ишлаб чиқди. Бу лойиҳалар асосида республикамизда янги институтлар, ўқув юртлари, лаборатория ҳамда олий ўқув юртлари стадионлари қурилади.

Ана шундай лойиҳалардан бири Тошкент Политехника институтининг Жиззах шаҳрида қуриладиган филиали лойиҳасидир. Лойиҳага А. Погожев билан Н. Аблаева бошлиқ архитекторлар группаси раҳбарлик қилмоқда.

БУГУН

ана шу лойиҳанинг дастлабки қисми ниҳоясига етказилди. Перспектива бўйича институт филиалининг лойиҳаси 3000 ўрин учун мўлжаллаб яратилмоқда. Янги филиал тўртта ўқув—лаборатория корпусидан иборат бўлиб, ўнта комплекс бинолардан ташкил топади ва ҳаммаси бўлиб йигирма уч гектар майдонни эгаллайди. Ўқув корпусларидан ташқари, стадион, боғ, студентлар ётоқхонаси ҳамда поликлиника қурилиши ҳам лойиҳалаштирилмоқда.

Институтнинг янги филиали Жиззах шаҳрининг шарқий томонида янги бунёдга келаётган Ульяновск проспектида келаси йилдан қурила бошланади.

Халқаро мавзуда суҳбат

Милитарлаштириш йўлидан

Японияниңг ҳукмрон либерал демократик партияси кейинги вақтларда ҳарбийлар билан бир ёқадан бош чиқариб, мамлакатни қуролланиш пойгасини кучайтириш ва милитарлаштириш йўлидан олиб бораётганлигини фактлар яққол кўрсатиб турибди.

Министрлар кабинети яқинда маъқуллаган «мудофаа масалаларига доир оқ китоб» буни тасдиқловчи янги далилдир. Японияда қуролли кучлар миллий экономиканинггина эмас, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳам милитаристик йўлга кўчириш учун интилаётганлиги бу китобда ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, бу ҳужжат муаллифи — миллий мудофаа бошқармаси Япония армиясининг ҳарбий куч-қудратини дарҳол ошириш зарур, деб ҳисобламоқда. Япониянинг ҳозирги қуролли кучлари мамлакатнинг урушдан кейинги конституциясига хилоф равишда вужудга келтирилганлиги ҳақида жўрттага ломлим дейилмайди. Баҳоланки, қуролли кучлар сони 260 минг кишига етказилди. Бу қуролли кучлар беҳаёлик билан «ўз-ўзини мудофаа қилувчи кучлар» деб аталмоқда. Конституциянинг 9-моддаси урушдан ва Япония армиясини вужудга келтиришдан воз кечилади, деб эълон қилганлигига қарамай, реакцион ҳарбийлар танк парки кўпайтирилсин, ҳаво ҳужумидан мудофаа кучайтирилсин, авиация ва флот мустаҳкамлансин, деб талаб қилмоқдалар.

Аммо буларнинг ҳаммаси учун кўп пул талаб этилади. Ўз ҳамёнидан кўпроқ пул чиқариб бериш зарур эканлигига солиқ тўловчиларни қандай ишонтириш керак? Бунинг учун миллий мудофаа бошқармасидаги стратеглар «Совет ҳарбий хавфи» борлиги ҳақидаги, Узоқ Шарқда «Совет қуролли кучлари кўпайтирилаётганлиги» тўғрисидаги афсона ва уйдирмаларни тўқиб чиқармоқдалар. Ана шундай баҳоналар билан шу молия йилида ҳарбий мақсадлар учун ажратиб бериладиган маблағлар 10 процент кўпайтирилади ва рекорд миқдорга —2.446 миллиард иенага етказилади. Янги ҳарбий кемаларни қуриш, Америкадан 100 та қирувчи самолёт ва бошқа самолётларни, ракеталар ва сув ости кемаларини сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Аммо япон ҳарбийлари ва қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи концернларга буларнинг ҳаммаси камлик қилмоқда. Қуролли кучларни ривожлантириш юзасидан 1980—1984 йилларга мўлжалланган беш йиллик программа уларнинг талабларига мос бўлиб тушди. Матбуот хабарларига кўра, бу программани амалга ошириш учун япон халқи жуда кўп маблағ—13,2 триллион иена тўлаши керак.

Японияда милитаристик руҳдаги бундай ҳуружларни кимлар илҳомлантираяпти, деган ҳақли савол пайдо бўлади. Жаҳонда ҳоким бўлиш стратегиясидан иборат авантюристик планларни тузаётган ва Советларга қарши кураш мақсадларини кўзда тутган Америка империализми бундай ҳуружларнинг илҳомчиси бўлиб майдонга чиқмоқда. Вашингтон ўз планларида Японияцаги шерикларига катта умид боғламоқда.

Пекиннинг ҳозирги раҳбарлари ҳам Японияни милитаризм гирдобига ташлашда Вашингтонга актив ёрдам бермоқдалар. Пекин раҳбарлари Осиё қитъасида кескинликни авж олдиришдан манфаатдордир. Улар, аввало, Шарқи-Жанубий Осиёда ўзининг гегемончилик мақсадларига эришишни шу йўл билан енгиллаштиришга умид боғламоқдалар. Буларнинг ҳаммаси Япон жамоатчилиги кенг доираларини ҳақли равишда ташвишлантирмоқда. Япония коммунистларининг фикрича, Пекин раҳбарлари тутган бундай йўл «бутун жаҳонда халқларнинг тинчлиги ва осойишталигига, аввало, Япониянинг осойишталигига тобора катта хавф туғдиради». Мамлакатнинг етакчи газеталаридан бири «Майнити» газетаси Вашингтонга эргашиб бораётган Япония ҳукуматининг расмий вакиллари ҳарбий куч-қудратни оширишни талаб қилмоқдалар, ҳарбий куч-қудратнинг оширилиши эса Япония учун хатарлидир, деб таъкидлайди.

Осиёдаги кўп давлатлар Япониянинг тез суръатлар билан милитарлаштирилаётганлигидан беҳад ташвишланмоқдалар. Улар АҚШда ҳарбий мақсадлар учун ажратиб берилаётган маблағлар оширилаётганлиги, ХХР қуролли кучларининг зудлик билан кўпайтирилаётганлиги ва Япония милитаризмининг тикланаётганлиги қитъада жуда хатарли вазиятни вужудга келтириш учун ҳаракат қилинаётганлигидан далолат беради, деб тўла асос билан таъкидлаб ўтмоқдалар.

Дарҳақиқат, бундай хатти-ҳаракатлар тинчлик, кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик душманларига қўл келади. Шу боисдан планетадаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучлар уларга қаттиқ зарба бермоқдалар.

А. ЯКОВЛЕВ.
(ТАСС).

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Киров ва Собир Раҳимов районлари мусобақаси

ЗАРБДОР, СЪЕЗДОЛДИ ВАХТАСИ

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда Киров райони саноат корхоналари маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича етти ойлик планни 112,3 процент, Собир Раҳимов райони 102,9 процент; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса 102,9 ва 102,7 процент бажардилар. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 6,2 ва 6,8 процентни ташкил этди.

Киров райони корхоналари меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 102 процент, Собир Раҳимов райони корхоналари 102,1 процент бажардилар: меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши 5,9 ва 4,4 процентни ташкил этди; бунда Киров райони ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 95,2 процентига, Собир Раҳимов райони 85 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришди.

Мусобақадош районларда ҳамма корхоналар асосий кўрсаткичлардан бўлган маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича топшириқни бажардилар.

Бироқ, Киров районида бир корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича топшириқни уддалай олмади. Киров ва Собир Раҳимов районларида биттадан корхона меҳнат унумдорлигини юксалтириш топшириғини бажармади.

Киров райони саноати шу йилнинг олти ойи мобайнида планга нисбатан 114,4 процент, Собир Раҳимов райони эса 103,5 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Собир Раҳимов районида 8,6 процент, Киров районида 5,2 процент ўсди.

Киров районида ўтган ой планини етти цех, саккиз бригада, 42 участка, 353 ишчи; Собир Раҳимов районида уч цех, саккиз участка, ўн бригада, 320 ишчи бажаролмади.

Қурилиш-монтаж ишлари топшириғи (марказлашган молиявий манбалар— 1980 йилнинг январь— июнь ойлари маълумотлари) Киров районида 87 процент, Собир Раҳимов районида 76 процент адо этилди. Турар жойни фойдаланишга топшириш ярим йиллик плани районларда 100,6 ва 100 процент бажарилди.

Ўзаро мусобақадош меҳнат коллективлари мамлакат ҳаётидаги шонли воқеаларни меҳнат муваффақиятлари билан нишонлаш анъанасига биноан КПСС XXVI съезди шарафига янги оширилган мажбуриятлар олишаяпти. Жумладан, Собир Раҳимов районида «Миконд» заводи приборсозлари илгари қабул қилинган мажбуриятларини қараб чиқдилар. Улар илгари белгиланган планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш топшириғига қўшимча юз минг сўмлик буюм реализация қилишга қарор қилишди. Бош кийимлар фабрикаси чеварлари ҳам мажбуриятларини шунча сўмлик ортиғи билан, «Тошкент» мебель бирлашмаси эса 150 минг сўмга ортиғи билан бажаради. Бошқа корхоналар ҳам худди шундай мажбуриятлар олишди.

Булар ҳаммаси район индустрияси бўйича беш йиллик планини шу йил 5 ноябрга бажариш ва йил охиригача топшириққа қўшимча 32 миллион сўмлик турли хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

КПССнинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш бўйича кировликлар ҳам юксак мажбуриятлар қабул қилдилар.

Белгиланган вазифалар қандай бажариляпти? Мусобақадош районларнинг меҳнат коллективлари ваъдага вафо қилиш учун барча ишларни қилишаяпти. Жумладан, асбобсозлик, «Компрессор», подшипник ремонти, «Миконд» заводлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Тошкент» мебель бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Уртоқ» кондитер фабрикаси, ипак-йигирув фабрикаси, бош кийимлар фабрикаси, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси, 14-рельс пайвандлаш поезди, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг босмахонаси маҳсулот ишлаб чиқаришда графикдан анча ўзиб кетишди.

Коллективларнинг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун интилиши бошқа кўрсаткичларда ҳам — планга қўшимча кўплаб маҳсулот бериш ва буюмларнинг аъло сифатли бўлишини таъминлашда ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, кировликлар етти ойлик планда белгилангандан 566 минг сўм кўп топшириққа қўшимча маҳсулот бердилар. Собир Раҳимов районида бу кўрсаткич бундан ҳам юқори— 1,1 миллион сўмликка яқин. «Миконд» заводи, подшипник ремонти заводи, ипак-йигирув фабрикаси, бош кийимлар фабрикаси, «Турист» ишлаб чиқариш комбинати, рельс пайвандлаш поезди (Собир Раҳимов райони) январь-июль ойларида планга қўшимча йил охиригача белгилангандан анча кўп маҳсулот бердилар.

Сифат кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланди. Жумладан, «Уртоқ» кондитер фабрикаси ишлаб чиқариш ҳажмининг 47 проценти миқдоридаги маҳсулотни, тикувчилик бирлашмаси 30 процентдан кўпроқ (Киров райони), агрегат заводи 85,9 процент, «Компрессор» заводи 71,2 процент, бош кийимлар фабрикаси 39 процент маҳсулотни (Собир Раҳимов райони) сифатнинг биринчи категориясида тайёрлаяпти.

Шунга қарамасдан, мавжуд имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилганлиги йўқ. Масалан, «Ўзбексельмаш» заводини олайлик. Машинасозлар йилнинг етти ойи мобайнида 12.265 минг сўмлик маҳсулотни ишлаб чиқариб, реализация қилдилар. Бу етти ойлик топшириқдагидан 310 минг сўмлик кўпдир. Бу ерда бутун маҳсулотнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

Кўрсаткичлар бир қарашда ёмон эмас. Лекин йил мобайнида бу ерда маҳсулот реализация ҳажми атиги 110 минг сўмликка ўсди. Ишлаб чиқариш бир маромда бормаяпти. Умумий маҳсулот ҳажмининг 60 процентгача бўлган миқдорини «Ўзбексельмаш»да сўнгги ўн кунликда ишлаб чиқаришади. Бир қатор бригада ва участкалар планни бажармаганлар графасидан ўрин олишди.

Йилнинг етти ойи мобайнида «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси 5.860 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу планда кўзда тутилганидан 26 минг сўмлик кўпдир. Бироқ бу «яхши» рақамлар остида нималар яшириниб ётибди? Бир нарса аниқ. Бу ерда план сўнгги натижага қараб ўзгартирилди. Корхона январь — июнь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 625 минг сўмлик кам ялпи маҳсулот берди. Реализация қилинган маҳсулот ҳажми бу ерда йиллик планга нисбатан 48,7 процентни ташкил этди. Йиллик графикдан ўн процент орқада қолиб кетилди.

Дурадгорлик буюмлари заводи янада мушкул аҳволда қолди. Тўғри, бу корхона қолоқлар сафида йўқ. Лекин ишлаб чиқаришдаги аҳвол қандай? Ўтган йилнинг январь — июль ойларига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бу ерда 740 минг сўмга камайди. Маҳсулот реализация плани эса йиллик ҳажмга нисбатан 38 процентни ташкил этди.

Бунинг сабаби нимада? Ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминоти ёмон ташкил этилган: Сибирдан ёғоч етказиб берадиганлар ишга панд беришди.

Маълумки, янги техникани ишга тушириш муддатларини тезлаштириш, мавжуд ускуналардан билиб фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини анча ўстириш, меҳнатни механизациялаштириш даражасини янада юксалтириш имконини беради. Агар шундай бўлса, нега «Тошкент» мармар бирлашмасида чет элдан келтирилган ускуналарни монтаж қилишга шошмаяптилар? Нега экскаватор ремонти ва подшипник ремонти заводларида ускуналардан фойдаланиш коэффициенти паст?

Зарбдор съездолди вахтаси кундан-кунга кучаймоқда. Меҳнат коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, янги оширилган мажбуриятлар қабул қилишяпти. Ишлаб чиқариш мутахассисларининг бурчи мусобақада бутун имкониятларни ишга солиб, унумли ва сифатли меҳнат қилиш учун барча шароитларни яратишдан иборатдир. Ана шундагина меҳнат вахтаси кутган натижани беради.

ЭРТАГА—СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Гражданавиацияси Тошкент авиакорхонаси коллективи анъанавий байрам — СССР Ҳаво Флоти кунини меҳнатда катта ютуқлар билан нишонламоқда. Учувчилар коллективи пассажирлар ҳамда муҳим халқ хўжалиги юкларини ташиш топшириқларини ортиғи билан адо этиб, КПСС XXVI съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини тобора авж олдирмоқдалар.

Мана бу фотолавҳада сиз илғор ИЛ—62 самолётининг ишчан экипажини кўриб турибсиз. (Чапдан-ўнга) борт инженери Т. М. Хлебожаров, борт радисти А. А. Корчагин, штурман А. М. Раказонов, 2-учувчи С. Х. Қодиров ва кема командири Ю. Н. Богданов навбатдаги рейсга жўнаш пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

Ватанимиз осмонининг пўлат қанотли лочинлари ҳар куни юзлаб тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришяпти, минглаб пассажирларнинг узоқ йўлини яқин қилишяпти. Тошкент аэропорти коллективи ҳам почта, халқ хўжалик юклари ташиш, пассажирларга намунали хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида анчагина ютуқларга эришяпти. Ана шу ҳақда сўзлаб беришни Тошкент авиакорхонаси пассажирлар ташишни ташкил этиш хизмати бошлиғи Юрий Владимирович МИШЧЕНКОдан сўрадик.

БЕПОЁН ДИЁРИМИЗ ОСМОНИДА

Тошкент авиакорхонаси коллективи беш йилликда 14 ярим миллиондан ортиқ пассажирга хизмат кўрсатади. Ўтган тўрт йилу, етти ойда салкам 13 ярим миллион пассажир манзилга элтиб қўйилди. Бу катта кўп миллатли коллективимизнинг ўз олдига қўйилган вазифасини белгиланган муддатидан бирмунча олдин шараф билан адо этишга бел боғланганлигини кўрсатади.

Коллективимиз кўплаб меҳнат илғорлари, ҳаво флоти ветеранлари коммунистик меҳнат зарбдорлари И. В. Коршунов, А. И. Бондаренко, Ф. В. Сайтутин ва бошқалар мусобақа пешқадамлари сафида боришяпти. Ёшларни тарбиялашга катта эътибор беришяпти.

Бизнинг ишимиздаги муҳим участкалардан бири самолётларга чиқишни регистрация қилиш ва бошқа шаҳарлардан келган йўловчиларни кутиб олиш ҳисобланади. Регистрация бўйича навбатчилар пассажирлар билан бевосита муносабатда бўлишади. Ўз вазифасига сидқидиллик билан ёндошган навбатчигина ўзига мурожаат қилган кишига яхши муносабатда бўлади, унга юксак маданиятли хизмат кўрсатиб, кайфиятини чоғ қилади. Ана шундай хушмуомала навбатчиларимиздан Г. Зокирова, В. Ткаченко, Т. Варжапетян шахсий беш йиллик планларини 7 октябргача бажаришга аҳд қилишган. Т. М. Вдовина, С. Содиқова, В. Проглядова, З. Ўрозовалар эса бу маррани, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги байрамигача бажариш ниятидалар.

Кейинги йилларда Тошкент аэропортида пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада юксалтириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Аэровокзаллардаги ахборот воситалари кўпайтирилди. Маҳаллий линиялар аэровокзали замонавий эстетик талаблар асосида қайта жиҳозланди. Навбатчиларнинг меҳнат шароити яхшиланди. Оналар ва болалар хоналаридаги, кутиш залларидаги ўринлар сони кўпайтирилди. Марказий аэровокзалда яқинда ишга туширилган касса зали пассажирларга янада қулайлик яратди. Тошкент аэропортидаги буфетлар, сартарошхоналар жуда яхши ишлаяпти. Ота-оналар буюртмаси билан кичкинтойлар учун алоҳида таомлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда республикамиз пойтахтининг аэропорти бир суткада ўн мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатяпти. Йил бошидан бери эса 2 миллион киши авиация хизматидан фойдаланди. Бу кўрсаткичлар келгусида янада ортиб бориши табиий. Шу боисдан коллективимиз ўз ишини такомиллаштириб боряпти. Маҳаллий линиялар аэровокзалида Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва болалик пассажирлар учун дам олиш зонаси ташкил этмоқчимиз. Шу аэровокзалда овқатланиш блоки барпо қилиш лойиҳаси ишлаб чиқиляпти. Иккала аэровокзалда ҳам кутиш залларидаги ўриндиқлар кўпайтириляпти ва бошқа қулайликлар яратиляпти. Хизмат кўрсатиш технологиясидаги янгилик — досадка бўйича бевосита самолёт учиш олдидан бўш жойларга билет сотиш яхши самара беряпти. Ҳозирги пайтда ҳар куни шу йўл билан юзга яқин киши самолётларга чиқяпти.

Биз ўз ишимизни янада юқори поғонага кўтариш учун ходимларимизнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор беряпмиз. «Ўз касбининг устаси» конкурси тез-тез ўтказиб турилади. Малака ошириш машғулотлари уюштириляпти.

Коллективимизнинг истиқболли режалари жуда кўп. Уларнинг айримлари ҳозирдаёқ амалга оширилияпти. Ўтган ҳафтада ТУ— 154 самолёти Тошкент — Нукус маршрути бўйлаб техник рейсни муваффақиятли бажарганлиги бунга мисол бўла олади. Эндиликда ТУ — 154 самолётлари Нукус орқали мамлакатимизнинг йирик шаҳарларига учади. Жумладан, Тошкент— Нукус— Москва, Тошкент— Нукус —Минводи ва бошқа йўналишлар бўйича рейслар очилади.

Бугунги кунда Тошкент аэропортидан сафарга чиқаётган пассажирларга ИЛ — 62, ТУ— 154, ТУ — 134 самолётлари хизмат кўрсатаётган бўлса, зангори осмонга ИЛ—86 аэробуси кўтариладиган кун ҳам яқин қолди. Бугунги кунда аэропорт коллективи ана шу ҳаво лайнерларини қабул қилишга қизғин тайёрланяпти.

Суҳбатни **М. МУРОДОВ** олиб борди.

Шаҳримиздаги тажриба пилланашлик фабрикасида кўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Сиз суратда улардан бири пешқадам ишчи Комила Раҳимовани кўриб турибсиз. У кунлик нормасини мунтазам равишда 120—130 процентга етказиб адо этиб ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

И. Шоингомов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИПАТОВОЛИКЛАР МЕТОДИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

УЛАН-БАТОР. Булган аймоғидаги Кўрик «Ингэт-толгой» давлат хўжалигида ипатоволик ғаллакорларнинг илғор тажрибасини ўрганиш мактаби ишлаб турибди. Мактаб тингловчиларининг навбатдаги групписи бу ерда ўқишни муваффақиятли тамомлади. Улар совет деҳқонлари ишининг илғор усуллари ва методларини ўзлаштириб, олган билимларини ҳосил ўрим-йиғими даврида қўлламоқ учун ўз хўжаликларига қайтиб келдилар.

Ставрополликлар тажрибасини Халқ Монголияси деҳқончилик хўжаликлари кундалик ишида жорий этиш ўтган йили бошланган эди. Ҳозирги вақтда ўнлаб давлат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари ана шу тажрибани ўрганиб олишди. Шу билан бирга, бундай хўжаликлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. «Залуучуд» ва «Ингэт-толгой» сингари илғор хўжаликлар практикаси шуни кўрсатдики, деҳқончилик ишлаб чиқаришнинг ана шу илғор формаси муваффақиятли равишда ўзлаштирган тақдирда ўрим-йиғим ишларида қишлоқ хўжалик машина-механизмларининг унумдорлигини анча ошириш, шу ишларни ўтказиш учун зарур бўлган вақтни кескин равишда қисқартириш мумкин.

Қатнов ривожланмоқда

ПРАГА. Чехословакияда сув транспортини ривожлантириш перспектив программаси қабул қилинди. Бу программада кўпгина дарёларнинг кемалар қатнайдиган участкаларини анча узайтириш кўзда тутилган.

Масалан Влтаванинг юқори оқими бўйлаб кемалар қатновини 150 километр кенгайтириш режалаштирилмоқда. Бунинг учун Слапи ва Орлик сунъий сув омборларининг тўғонларида кемалар қатнайдиган катта шлюзлар қурилади. Прагадан жанубroқда Влтавага қуйиладиган Бероунке тўғонини қуриш ва реконструкция қилиш мўлжаллаб қўйилди. Бу дарёда кемалар қатновининг ривожлантирилиши ЧССРнинг турли шаҳарларига, шунингдек бошқа мамлакатларда пассажир ва юк ташиш ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Шу мақсадда шлюзлар қурилмоқда ва юқори Одрдаги фарватор чуқурлаштирилмоқда. Яқин йиллар ичида ана шу дарёдан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар металлургия ва прокат саноати учун катта ҳажмли машина-ускуналар ортилган баржаларнинг карвонлари қатнай бошлайди.

Бу йил ЧССР дарё транспортида юк ташиш ҳажми 9 миллион тоннага етказилади.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ

БУХАРЕСТ. Социалистик Руминиянинг машинасозлари миллий байрам— 23 август кунини зарбдор меҳнат билан кутиб олмоқдалар. Республика машинасозлик корхоналарининг меҳнатчилари шу йилнинг етти ойи мобайнида топшириққа қўшимча равишда 237 миллион лейлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Пландан ташқари 69,5 миллион лейлик ҳисоблаш техникаси, 855 мингта подшипник, 11 та дизель-электровоз ишлаб чиқарилди.

Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш— машинасозлар ишидаги асосий йўналишдир. Улар шу йилнинг бошидан буёнгина машиналар, қурилмалар ва саноат ускуналарининг 600 дан кўпроқ янги типини кўплаб ишлаб чиқариш учун ўзлаштирдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришга меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

САНА ОЛДИДАН

ХАНОЙ. Бу ерда ВКП Марказий Комитети секретариатининг Август Халқ Демократик революцияси ғалабасининг 35 йиллигини ва республика эълон қилинган кунни байрам этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу сана мамлакатда 2 сентябрь куни нишонланади.

Қарорда ВСРнинг барча меҳнаткашларини ана шу шонли саналарни нишонлаш учун, Вьетнам иккинчи беш йиллиги сўнгги йили давлат планини муносиб якунлаш учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этилади.

Мамлакатнинг барча шаҳарлари ва вилоятларида байрам кунларида Вьетнам халқининг унинг озодлиги ва мустақиллигига хуруж қилган агрессорларга қарши курашида кўрсатган қаҳрамонона жасоратларига бағишлаб кўргазмалар ташкил қилинади ва митинглар бўлиб ўтади.

КОМПЛЕКС-ПОТОК УСУЛИДА

ПРАГА. Мамлакат пойтахти Ўрта Чехия областининг марказида жойлашган. Бу областнинг деҳқонлари ҳосилни уч йилдан буён ипатоволиклар тажрибасидан фойдаланиб комплекс-поток усулида ўриб-йиғиб оладилар. Олдиндан тузиб қўйилган график асосида механизациялашган отрядлар донли экинларни, сомонни йиғиштириб оладилар, далаларни ҳайдаб, кузги экин экадилар. Кладно шаҳридаги бирлашган пўлат қуйиш заводларининг ҳисоблаш маркази ҳосили ўриб-йиғиб олиш область штабига ёрдам беради.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ТОКИО. Япониянинг Майдзуру портида Япония-Америка ҳарбий денгиз машқлари ўтказилишига қарши аҳолининг митинг ва намойиши бўлиб ўтди. Тинчлик учун курашувчи маҳаллий ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилган митинг қатнашчилари Майдзуруни Осиёдаги агрессия базасига айлантириш режаларидан ҳукуматнинг воз кечишини ҳамда АҚШнинг «Блориж» 7-флоти ва Япониянинг «Акидауки» ҳарбий денгиз кучларининг машқлар вақтида ўша ерга кириб қолган флагман кемалари портдан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар.

Касаба союзларининг даъвати билан маҳаллий балиқчилар ҳарбий кемаларнинг портга киришига қарши норозилик намойиши ўтказдилар.

∴ ∴ ∴

ЖАЗОИР. Жазоир Халқ Демократик республикасида ер ислоҳоти муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Ҳозирги босқичда мамлакатнинг чорвачилик районларида кооперативлаш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Тлемсен вилоятидаги Сабду округигина 15 дан кўпроқ кооператив ташкил қилдилар. Бу ерда давлат қишлоқ хўжалик кооперативлари аъзолари учун дастлабки уй-жой посёлкаларини қурмоқда. Бу кооперативларга қарзга пул, техникавий ёрдам берилмоқда.

Ҳозир Жазоирда 6 мингдан кўпроқ қишлоқ хўжалик кооперативи бор. Ер ислоҳотининг «ер уни ишлаган кишиларга берилсин» шиори муваффақиятли амалга оширилмоқда ва мамлакат аҳолиси томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Электр транспорти муаммолари

ҲАРАКАТ ГРАФИГИГА РИОЯ ҚИЛИНМАЁТИР

Йўловчилар трамвай ва троллейбус хизматидан бошқа транспортларга қараганда кўпроқ фойдаланишади. Лекин бу транспортнинг асосий камчиликларидан бири графикка тўғри амал қилмасдан ишлашидир. Бугун биз янги «Электр транспорти муаммолари» рубрикаси остида берилаётган биринчи мақоламизда ана шу ҳақда сўз боради.

— Саккизинчи ёки ўн биринчи трамвайлар қачон келади?

— «Кўкча» станциясининг диспетчери Ольга Яковлевна Абдураҳимова йўловчиларнинг кетма-кет берадиган бундай саволларига ҳар куни бир неча бор жавоб қайтаради. Диспетчер трамвай кутавериб чарчаган йўловчиларни хотиржам қилишга уринади. Лекин унинг бу ҳаракати беҳуда кетади. Маршрутдаги вагонлар планда белгиланганидан беш маротаба кам бўлгандан кейин у нима ҳам қила олади.

— 12 август жуда қийин кун бўлди, — дейди Ольга Яковлевна. —Шу куни 2-деподан трамвайлар жуда кам чиқарилди. 11-маршрутда фақат иккита вагон йўловчиларга хизмат кўрсатади. Натижада қатнов интервали 45 минутдан 70 минутгача оралиқда бўлди. 8-маршрутга эса эрталаб 13 та вагон чиқарилган эди. Бу вагонларнинг баъзилари йўловчиларга хизмат кўрсатишни тарк этди. Натижада кечқурун соат тўққизларда ана шу маршрутдаги вагонлардан фақат тўрттагина қолди.

Ҳақиқатда ҳам 12 август куни ана шу иккита маршрутда қатнайдиган трамвайларда аҳолига хизмат кўрсатиш борасида ўзига хос «рекорд» қўйишди. Деподагилар баъзи бир шофёрларнинг ишга чиқишмаганини баҳона қилиб кўрсатишди. Ха, баъзан ана шундай вазият ҳам бўлиши мумкин. Лекин олдинги кунлари ҳам ана шу маршрутларда планда белгиланганидан кам вагонлар чиқарилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Масалан, 7 август куни «Кўкча»даги диспетчерлик станцияси соат 12 да 11-маршрутда олтита трамвай қатнаётганлигини маълум қилди. Ваҳоланки шу куни план бўйича бу маршрутга 11 та вагон чиқарилиши керак эди. 8-маршрутда эса пландаги 19 та ўринга 15 та чиқарилган. Шуни айтиш керакки йўловчилар гавжум бўладиган кечки пайтларда бу вагонлар яна икки баравар қисқариб кетади.

— Негадир фақат кечқурунлари вагонларнинг камайиб қолиши сўнгги вақтда одат тусига кириб қолди, — дейди Ольга Яковлевна.

Лекин шуниси ажабланарлики, 2-деподагилар бундай камчиликларга жуда бефарқ қарашмоқда. Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг марказий диспетчерига 2-деподан ҳар кунги чиқаётган вагонлар рўйхатини хабар қилишади. Ваҳоланки, бу рақамлар «Кўкча» станциясида диспетчер берган рақамлардан мутлақо фарқ қилади. Масалан, 11 август куни эрталаб соат 8 да 8-маршрут бўйича олтита, 11-маршрут бўйича бешта вагон фарқи билан маълумот берилди. Бу вагонлар қаерда? Деподагиларнинг айтишича, бу вагонлар ҳалигача «Кўкча»га бориб етмаган эмиш. Кейинчалик текшириш ўтказилганда ана шу маршрутдаги трамвайларнинг қаерга ғойиб бўлганини билиш муаммолигича қолаверди.

Биз бу иккита маршрутнинг аҳолига қандай хизмат кўрсатаётганлигини тасодифан олганимиз йўқ. Кўпинча ана шу маршрутда қатнаш графигига амал қилинмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири йўловчилар хизматига чиқарилаётган вагонларнинг белгиланган нормадан камлигидир. Яна бир бошқа сабаби эса линияларга чиқарилган трамвайларнинг тезда бузилиб деполарга қайтиб киришидир.

Фақат 12 август куни 11-маршрутдан учта вагон, 8-маршрутдан иккита вагон бузилиб депога кириб кетган. Лекин 2-деподагилар вагонлардаги бундай бузилишларни иккинчи даражали иш деб билишади. Шуни унутмаслик керакки, 8, 11-маршрутда йўловчилар ҳамиша гавжум бўлади. Бу трамвайлар шаҳар марказидан ўтиб, Октябрь райони, темир йўл вокзали ва Чилонзор районини бирбири билан боғлайди. Текширишлар шуни кўрсатдики, ҳамшаҳарларимиз ана шу маршрутдаги вагонларнинг ёмон хизмат кўрсатаётганлиги ҳақидаги шикоятларга тўла қўшилса бўлади.

Трамвайларнинг графикка риоя қилмасдан юриши бошқа маршрутларда ҳам тез-тез учраб туради.

11 август куни биз Юнусободдаги диспетчер хонасида бўлдик. Соат 11.20 минут ўтганда 25-маршрутда пландаги ўнта ўринга еттита вагон аҳоли хизматида бўлган. Вагонларнинг кам чиқарилиши қатнов интервалининг янада узайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ана шунинг учун ҳам йўловчилар бекатларда трамвайларни 17 — 20 минутлаб кутиб қолишга мажбур бўлишмоқда. Эрталабки гавжум вақтда бу маршрутдаги трамвайни 27 минутлаб кутишга тўғри келади. Бундай вазият 1-депо раҳбарларини негадир ташвишга солаётгани йўқ.

Ана шундай ҳолни 3-депога қарашли вагонларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, 11 август куни эрталаб 29-маршрутда олтита трамвай йўловчиларга хизмат кўрсатган. Ваҳоланки, бу белгиланган пландагидан икки маротаба камдир. Ана шундай вазиятни 28-маршрутда ҳам учратдик.

Шуни айтиш керакки, ҳар куни аҳоли хизматига чиқарилаётган вагонлар олдиндан яхши текширилмаётир. Шунинг учун ҳам линияларга чиқарилган вагонлар тезда бузилиб, кўчаларда трамвайларнинг туриб қолиши ва депога қайтиб кириб келиши содир бўлмоқда. 8 август куни 3-маршрутдаги трамвайнинг дугаси синиб кетганлиги оқибатида ана шу линиядаги трамвайлар 20 минут туриб қолган. Бундай ҳол қандай оқибатларга олиб келишини билиш қийин эмас. Шуни айтиш керакки ана шу маршрутдаги бу воқеа йўловчилар кўп бўладиган кечки пайт—соат 17 ва 18 ларда рўй берди. 11 август куни Навоий кўчасида 2108 рақамли вагон редукторининг ишдан чиққанлиги натижасида трамвайлар ярим соат тўхтаб турган.

Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Бу ҳол вагонларнинг тўла ремонт қилинмаслиги ва трамларга техник хизмат кўрсатиш ёмон аҳволда эканлигини кўрсатади. Биз навбатдаги «Электр транспорти муаммолари» рубрикаси остида бериладиган мақоламизда ана шу ҳақда ёритишга ҳаракат қиламиз.

А. ГРИШЧЕНКО,
шаҳардаги барча пассажир транспорти турларини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. ХАТАМОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» мухбирлари.

Ҳикматлар хазинасидан

⊙ Ҳаётнинг маъносига тушунмайдиган одамларнинг ҳолига ачиниш керак.

⊙ Ҳаётни еб-ичиш, ухлаш ва фақат лаззат кўришдан иборат деб билган кишининг ҳайвондан фарқи йўқ.

⊙ Мавлоно Саъдий айтади:

Боғу бўстон қадрини билсаки ҳар зоғу зағон,
Булбули шайдо билур гулзора гулрез қадрини.

⊙ Осойишталикда кечирилган қисқа умр қўрқув ва ташвиш билан ўтган узоқ умрдан яхшидир.

Нақл: юз ёшга етган, лекин ақл-фаросатини йўқотмаган бир кишидан:

—Узоқ яшашингизнинг сири нимада? —деб сўрадилар.

—Ҳаётга бўлган муҳаббатимда!—деб жавоб берди у.

Ҳикоят: Луқмон ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:

—Эй, ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан?—деб сўрашди.

—Ҳа, ўша чўпонман,—жавоб берди Луқмон,—ҳозир кўриб турибсанки ҳакимман.

—Бу даражага қандай эришдинг?—сўради яна у.

Луқмон ҳаким унга:

—Рост сўзлашдан, омонатга хиёнат қилмасдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни бошқалардан кам санашдан,—деб жавоб берди.

⊙ Мавлоно Рудакий айтади:

Билки қийин ҳаёт берур таппа-тахт,
Фозиллик, улуғлик, мардлик ҳамма вақт.

⊙ Шоир Абдулла Авлоний шундай ҳикоят айтади:

—Бир боғбоннинг уч ўғли бор эди. Уччаласи ҳам дангаса ва ишёкмас эди. Боғбон бир кун касал бўлди. Ўғилларини ишга солиш учун ёнига чақириб:

—Ўғлонларим, менинг ажалим етганга ўхшайди. Мен сизларга васият қилиб кетай. Боғнинг ичига бир кўза олтин кўмиб қўйганман. Мендан кейин ўзингиз кавлаб, топиб, бўлашиб олурсиз,—деди.

Орадан бир неча кун ўтмай, боғбон дунёдан ўтди. Ўғиллари олтин ахтариб, боғни чунон қазидиларки, тупроқлари кул бўлиб кетди, лекин токнинг илдизидан бошқа ҳеч нарса топмадилар. Аммо шу йил ток чунон узум қилдики, ақчаси неча кўзага тўладиган олтин бўлди. Сўнгра бу ялқовлар билдиларки олтин ерда эмас, ишловда экан.

Ҳисса: ҳамма ёмонликларнинг онаси дангасалик. Қўрқоқлик—отасидир.

∴ ∴ ∴

Ҳикмат: сўзни билиб гапирсанг олам бўстон, билиб сўзламасанг диллар зимистон.

Мақол: сўздан сўзнинг фарқи бор, етмиш икки нарҳи бор.

Икки ҳикоят

Муҳаммад ибн Сарин Басрий ғоят тадбиркор, одил ва олим одам бўлиб, таъбир илмининг беназири эди. Бир куни унинг олдига бир киши келиб арз қилибди:

—Аё, мавлоно, тушимда бурнимдан кўп қон кетди. Таъбири нима бўлади?

—Қўлингиздан кўп мол кетади,—дебди ибн Сарин.

У чиқиб кетиши билан яна бир киши келиб арз қилибди:

—Шу кеча тушимда бурнимдан кўп қон келди? Боиси надур?

—Қўлингга кўп мол киради,—дебди ибн Сарин.

Бу аснода ҳозир бўлган шогирдлар унга мурожаат этибдилар:

—Аё устод, иккала киши ҳам бир арз билан келди, яъни кўрган тушлари бир хилда. Нечун у тушларнинг таъбири мутлақо зид?

Ибн Сарин шундай дебди:

—Ҳар кимнинг ўзидан жавоб қидириш керак. Жумладан, аввалги киши кириб «қон кетди» деди. Мен ҳам «қўлингдан мол кетади» деб айтдим. Кейингиси «қон келди» деди. Мен ҳам «мол келади», деб айтдим.

∴ ∴ ∴

Бир подшо филининг куни битиб қолаётган экан, уни қишлоққа жўнатишибди. Қишлоқ аҳолисига, «кимда ким подшога филнинг ўлими ҳақидаги хабарни етказса, ўша одам қатл этилади», деб айтишибди. Қишлоқ аҳли фил ўлиб қолишидан қўрқиб, уни роса парвариш қилишибди. Лекин фил тез орада оламдан ўтибди. Қишлоқ аҳли буни кўриб: «Бу мудҳиш хабарни қандай айтамиз», деб азият чекибди. Шунда бир доно:

—Дўстлар, ташвишланманг, мен ўзим бориб айтаман,—дебди.

Ҳалиги киши саройга келиб:

—Подшо ҳазратлари, севимли филингиз овқат емаяпти, сув ичмаяпти ва ҳатто нафас ҳам олмаяпти,—дебди таъзим қилиб.

—Нима, ўлдими?—сўрабди подшо.

—О, жаноб олийлари, бу сўзни мен эмас, сиз айтдингиз,—дебди доно.

Подшо зукко бу кишининг ўткир зеҳнига қойил қолиб, уни мукофотлабди.

Байт:

Сўзни билиб сўзлаганлар хўб билур сўз қадрини,
Фарқи йўқ кўп сўзлаганлар не билур ўз қадрини.

Т. РАСУЛЕВ тайёрлаган.

Бош пландан бир лавҳа

КЎРКАМ ЖАМОАТ МАРКАЗИ



Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институти меъморлари пойтахтимизнинг авиасозлар шаҳарчасидаги Лисунов кўчасида қад кўтарадиган янги жамоат маркази лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Ана шу лойиҳага асосан жамоат маркази авиасозлар Маданият саройининг орқа томонида қурилади.

Жамоат маркази у «Никоҳ саройи»га маданият саройи билан бир бутун ягона меъморчилик ансамблини ташкил этади. Янги бино тўрт қаватли объект баландлигида бўлиб, унинг биринчи ва иккинчи қаватларида жамоат марказининг зарур хизмат хоналари жойлашади. Никоҳ саройи ва 350 ўринли кинозал ҳам шу қаватлардан ўрин олади. Шунингдек, иккинчи қаватда 200 ўринли кафе ташкил этилиб, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатади. Худди шу ерда тўй тантаналари ҳам ўтказилади.

Шу билан бирга кафе бошқа кишиларга ҳам одатдагидек хизмат кўрсатади. Бунинг учун кўча томондан иккинчи қаватга чиқиладиган зинапоялар бўлади. Жамоат марказининг пойдевор қисми қаватида эса келин-куёвларга хизмат кўрсатадиган магазин бўлиб, учинчи ва тўртинчи қаватлар маданият саройи учун берилади. Бу ерда турли тўгараклар ва болаларнинг техника ижодкорлиги кабинетлари, дискотека жойлашади.

Ҳовлида эса кичик архитектура формалари билан ободонлаштирилган зона бўлади. Бинонинг ташқи томонларини безашда чиройли бинокорлик материалларидан фойдаланилади. Мармар ва бошқа нафис пардоз элементлари ишлатилади. Чиройли қуёш тўсқич мосламалари ҳам бинога оригинал кўриниш бахш этади.

Лойиҳани тайёрлашда институтнинг А. Онишченко бошчилигидаги М. Воҳидов ва инженер Н. Айрапетовлардан иборат меъморлар коллективи катта меҳнат қилишди.

А. ПЎЛАТОВ,
архитектор.

СЎРАТДА: авиасозлар шаҳарчасининг Лисунов кўчасида қад кўтарадиган жамоат маркази эскизи.

ШАНБА ОҚШОМИ

⊙ ДОНОЛАР БИСОТИДАН ⊙ МУҲТАШАМ КОШОНА ⊙ ЎЛКАМИЗ БОЙЛИКЛАРИ ⊙ АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА.

Ажойиб бу ҳайкал Бухоронинг энг кўркам ва кўҳна майдони Лаби Ҳовуз бўйига ўрнатилди. Ҳайкалда ўзбек халқининг қувноқ афсонавий қаҳрамони Хўжа Насриддин сиймоси акс эттирилган. У шаҳримиздаги экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатида бронзадан қуйилган. Ҳайкални архитектор К. Крюков билан ҳайкалтарош Я. Шапиро яратдилар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

НОДИР МАЪДАНЛАР

КУНДУЗИ ҚОРАЯДИ, КЕЧАСИ ОҚАРАДИ

Она-табиат ҳар хил маъданларни яратган. Шулардан бири висмут. У оғир элементлар бошида туради. Висмут амалий жиҳатдан турғун, оч пушти ва кумуш рангли элементдир. Лекин замонавий нозик анализлар туфайли унинг ядроси ҳам миллиард йиллар давомида «ўлиши» мумкинлиги аниқланган. Эриш ҳарорати 271,3 даража целсий, қайнаш ҳарорати — 1590 даража целсийдир. Унинг 19 га яқин хоссаларга эга бўлган ҳслатлари маълум.

Висмут инсоният тарихида узоқ йиллар давомида «қўлга тушмаган» элемент ҳисобланади. Лекин у ўша йиллар давомида бир неча бор кўз билан кўрилган, қўл билан ушланган. Лекин унинг висмут эканлиги билинмаган. Шундай қилиб, қадимда оқ рангли ва ўта оч қизғиш бўлган бу элементнинг висмут эканлиги жумбоқ бўлиб қолаверган. Шунинг учун ҳам узоқ вақтлар давомида бу элемент сурма, қўрғошин ёки қалайнинг бир тури деб ҳисобланган.

Висмут ва уни қазиб олиш ҳақидаги биринчи маълумотлар замонасининг буюк металлурги ва минералоги Агрикола асарларида 1529 йиллардагина пайдо бўлди. Лекин у XVIII асрдагина алоҳида кимёвий элемент деб тан олинди. Баъзи тахминларга кўра, висмут термини «сурма хоссасига эга» деган маънони англатувчи арабча «би исмид» сўзидан олинган.

Сурмадан висмутнинг асосий фарқи, унда сурмага нисбатан металлик хусусиятлари кўпроқ. Висмут бир вақтнинг ўзида оғир, мўрт ва юмшоқдир. У кучли металл ялтироқлигига эга. Иссиқликни кам ўтказади, диамагнитлик хоссасига эга, яъни висмут стерженини икки магнит қутблари орасига қўйсак, у иккала қутбдан қочиб, улар ўртасида муаллақ туриб қолади. У қотган сари ўз ҳажмини ошириш хоссасига ҳам эга. Табиатда висмут оксиди—бисмит сарғиш ва қўнғир рангдаги тупроқ шаклида учрайди. Карбонатли висмут минераллари табиатда висмутит деб ном олган.

Геохимик олимлар учун висмутнинг селен, олтингугурт ва теллурли бирикмалари катта илмий аҳамиятга эгадир. Умуман олганда ,табиатда учрайдиган висмутнинг 70 га яқин минераллари ичида олтингугуртли ва теллурли бирикмалари кўпчиликни ташкил этади. Шунга қарамай, висмут ер қобиғи таркибида кам тарқалган ноёб элементдир.

Висмутни анъанавий кўп ишлатадиган соҳа металлургия, фармацевтика ва химия саноатларидир. Кейинги вақтларда бу соҳаларга ядро техникаси, электроника саноати ҳам қўшилди.

Ойнани бир-бирига пайванд қилиш учун висмут асосида тайёрланган қотишмалардан фойдаланилади. Ядро реакторларида висмут иссиқлик ютувчи ва юқори ҳароратни совутишда қўлланади. Медицинада ҳам висмутнинг аҳамияти катта. Садаф ранглаб бўёғи, йўл белгилари бўёғи, испан оқ бўёғи ҳам висмутнинг нитрат тузидан тайёрланган.

Висмутнинг бир хоссаси қизиқ. У ёруғлик нурида тезда қорайиб, қоронғида эса тез оқаради.

Висмутнинг руда конлари СССРда — Забайкалье ва Ўзбекистонда топилган. Ўстарасой висмут рудаси асосан соф висмутин ва ўстарасийдан иборат бўлиб, пирит, пирротин, арсенопирит, халькопиритлар билан бирга кварцли ер томирларида учрайди. Ўстарасой рудасида учрайдиган айрим минераллар таркибидаги висмутнинг миқдори 70 процентгача стади.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минерал огия фанлари доктори.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ҲАЙТБОЕВ, Макулатура топшириладиган пунктларнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Ҳозир шаҳримизда макулатура қабул қилиб оладиган магазинларнинг йиғирматаси аҳоли хизматида бўлмоқда. Қўйлиқ бозорида, Юнусобод массивидаги Б—1 кварталида, Зиё Саид кўчасининг «Гулзор» бекатида, 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонидаги 59, 37, 65, 56-автобусларнинг охирги бекатида, Чилонзор массиви 24-кварталидаги 15 ва 52-уйларнинг ёнида, Олой бозорида, Луначарский шоссесидаги 38-уйда ана шундай пунктлар ишлаб турибди.

* * *

Р. САИДОВ: Яқинда набирам кўзойнагимни синдириб қўйди. Синган кўзойнагимни тузаттириш учун қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Жавоб: Ўзингиз истиқомат қилиб турган ерда иккита оптика магазини ишлаб турибди. Булардан бири Навоий ярмаркасидаги 6 ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидаги оптика магазинидир. Бундан ташқари шаҳримизда ана шундай магазинлардан 13 таси аҳоли хизматида бўлмоқда. Булардан энг йириги Усмон Юсупов кўчасидаги 1-магазин ва Богдан Хмельницкий кўчасидаги 12-магазин ҳисобланади.

* * *

А. КАРИМОВ: Туғилганим тўғрисидаги гувоҳномада исмим хато ёзилган. Ана шуни тўғрилаш учун кимга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: СССР гражданларининг исми, фамилияси ва отасининг исмини ўзгартириш ҳақидаги қоидага биноан Сиз фамилиянгизни тўғрилаш учун ўзингиз яшаб турган район ижроия комитети қошидаги ЗАГС бюросига мурожаат қилинг.

* * *

Д. ҲАКИМОВА, А. ҲОШИМОВ: Биз ўқишдан ажралмаган ҳолда шофёрлик курсига кириб ўқиш истагида эдик. Мумкин бўлса ана шу касбни ўргатадиган кечки бўлимларнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида айтиб берсангиз.

Жавоб: Тошкент шаҳар автоҳаваскорлар жамиятининг автомобиль мактабида кечки шофёрлик курслари ишлаб турибди. Ўқишдан ва ишдан бўш вақтингизда ана шу группаларга кириб ўқишингиз мумкин. Бунинг учун район ижроия комитетидаги автоҳаваскорлар жамияти район Советининг раисига мурожаат қилишингиз лозим. Жамиятга аъзо бўлганлар шофёрлик курсларига қабул қилинади. Ана шундай курслардан бири Сиз яшаб турган ётоқхона яқинидаги 2-Чимбой кўчаси, 197-уйда жойлашган.

* * *

С. ТУРСУНОВ: Агар ҳукумат мукофотлари йўқотиб қўйилса, уларни қайта тиклаш мумкинми?

Жавоб: СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1934 йил 7 октябрдаги қарорида таъкидланишича йўқотиб қўйилган ёки ўғирлатиб қўйилган СССР орден ва медаллари ўрнига дубликатлар берилмайди. Фақат жанговар топшириқни бажариш, табиий офат (ёнғин, тошқин ва бошқалар) пайтида орден ва медалларини йўқотиб қўйган кишиларгагина истисно тариқасида дубликатлар берилади.

Барча ҳолларда СССР орден ва медалларининг дубликатларини бериш масаласи иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Совети Президиумининг халқ депутатлари Совети область (ўлка), район ва шаҳар ижроия комитетларининг тавсиясига биноан СССР Олий Совети Президиуми томонидан кўриб чиқилади.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

«БОЛА ЁНҒОҚ»

(ЭРТАК)

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир жойда эпчил, бажир, ўсимликшунос, ўз ишига астойдил бир олим бор экан. Исми Маҳкам ака экан. У қулай келган барча бўш ерларга, сув бўйларига, кўча четларига, ҳатто истироҳат боғларига ҳам мева кўчати экишга ҳаракат қиларкан. Бекорчиев шарифли бировнинг бу ишга ғаши келиб:

—Хўб эринмаган одам экансиз-да, — деб тўнғиллабди олимга,—мева керак бўлса бозордан сотиб ола қолингда, экиб овора бўлиб сизга нима зарур?

Олим уни уришиб берибди:

—Ақлли кишининг гапини гапиряпсизми ўзи? Соғлиқ — ҳаёт манбаи. Мевалар кўпайса қари-ёшга, барчага зўр фойда бермайдими? Сиздақаларга қолса-ку ерда бир туп гул ҳам ўсмас-эдику-я, яхшиям сиздан бошқа барча ғайратли, сиздақа ялқов эмас!..—Олим шундай кучли сўзларни сўзлабдики, Бекорчиевга гоҳ қамчи теккандай, гоҳ яшин ургандай сезилибди, кўкарибди, қизарибди, сўлжайибди, бужмайибди, яхшики вақт борида, куйиб кулга айланмасдан аввал: «Кечиринг, кечирасиз, тавба қилдим, энди меванинг зиёнига сира оғиз очмаганим бўлсин!»—деб эгила-букила жўнаб қолибди. Уни умрида ҳеч ким бу қадар танқид оловига тутмаган экан. Инсофга келиб эшик ёнларига кўчат эка бошлабди.

Ғайратлилар эса олимнинг таклифини жондилдан қабул қилиб аллақачон ишга тушган эканлар. Болалар айниқса, олимнинг ўзидай қизиққон, чаққон, ишчан эмасларми, қизғин ишга киришиб кетишибди. Олим тажриба ўтказиш еридан турли кўчат, нақш олма, қашқар гилос, шафтоли, бодом кабиларни, айниқса ёнғоқ кўчатларини кўпроқ улашибди.

Олим айниқса ёнғоққа ўч экан. Ёнғоқнинг киши соғлиғига фойдаси ҳақида соатлаб гапирса ҳам чарчамас экан. Ёнғоқ устида тер тўкиб тажрибалар ўтказишини-ку қўяверасиз! У кўп уринишлардан кейин ажойиб бир ёнғоқ навини яратибди. Катта азамат ёнғоқ дарахтлари етти-саккиз йилда зўрға мевага кирса, бўйи икки метрдан ошмаган бу дарахт иккинчи йилдан бошлаб шундай кўп мева берарканки, ҳар мевасининг мағзида бол-новвот мазаси, атиргул, ялпиз, райҳонларнинг хуш иси бор, у мевадан татиган одам ўзини умрбод соғлом, шод ғайратли сезаркан. Барча (ҳатто онда-сонда туруч ичидан чиқиб қолган тошдай сийрак бўлса ҳам учраб қоладиган ишсевмас бемазалар ҳам) олимга қойил қолишибди. Обрўси зўр бир киши қувонч, ғурур билан:

—Сизни сеҳргарликка номзод деб ўйлаб юрардик, синовдан яхши ўтиб мана энди чин сеҳргарга айландингиз, балли! — дебди.

Олим айтибди:

—Ишимга болалардан зўр ёрдам кўрдим. Булар мева-витаминлар фойдасини мендан ҳам яхши биладиган чиқиб қолишди. Неча йил уриниб юзага келтирганим шу ажойиб ёнғоқ дарахтимни ана шу азамат ёрдамчиларим шарафига «бола ёнғоқ» деб атайман. Ҳаётлари доим яшнаб, элга мевалардан ҳам кўп фойда етказсинлар!

Барча маъқуллаб қарсак чалибди. Олим бошлиқ ёрдамчилари ишлашни давом эттириб, жонажон ўлка мақтовига мақтов, бойлигига бойликлар қўшаётганмиш.

Турғунбой ҒОЙИПОВ.

Техника янгиликлари

ЛАЗЕР ЁРДАМИДА

Болгария олимлари ҳозо таркибини лазер ёрдамида аниқлаш методини ишлаб чиқдилар. Бундай усул натижаси кимёвий анализга нисбатан аниқлиги юқоридир.

Саноатлашган шаҳарлар атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини ишлаб чиқишда, олинган маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналари қайта ишлаб беради.

ТЕМИР-БЕТОНДАН КЕМА

Гаванада қарийб тўрт йил давомида балиқ овланадиган ва бошқа қатор кемалар темир бетондан қурилмоқда. Кубада қурилган бундай турдаги кемалар хорижий мамлакатларда ҳам оммавий равишда фойдаланилмоқда.

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ БИЛАН

Франциянинг Тур шаҳри яқинида қуёш батареяси токи манбаи қуввати билан ҳаракатга келадиган шлагбаум ўрнатилган. Бу ерда шлагбаумдан ташқари жимирловчи лампа ва садо чиқарувчи «мугуз» мавжуд. Агар қуёш батареясининг энергияси тугаб ёки етмай қолса, автоматик тарзда электр тармоғига уланади. Текширувдан сўнг бундай шлагбаумларни темир йўлларда ўрнатиш аҳамиятга молелиги ҳал қилинади.

ЗИЛЗИЛАГА ЧИДАМЛИ

Қозоғистонда зилзилага қаршилик кўрсата оладиган уйларнинг оригинал лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу ерда, масалан «Кинематик пойдевор» деб номланувчи уйлар қурилади. Ҳар бир иншоотнинг таянчи ўзига хос ошиқ-маъшуқ тарзида бўлади. Шунинг учун ер ости силкиниши вақтида, уй чайқалади ва ўз ҳолига қайтади.

БИЛАСИЗМИ?

⊙ Ҳозирда фанга чумолиларнинг 20 минг тури маълум бўлиб, шундан СССРда чумолиларнинг 600 тури, Ўзбекистонда эса 50 дан ортиқ тури учрайди.

⊙ Чумолилар ўрмонларни зараркунандалардан муҳофаза қилади. Битта индаги чумолилар бир йилда ўн мингтагача зараркунандани йўқотади.

⊙ Битта чумоли ўз вазнига нисбатан 1 минг 400 марта оғир юкни кўтара олиш қувватига эга.

⊙ Чўлларда «Ўроқчи чумоли»лар бўлади. Олимларнинг аниқлашларича, бу чумоли ер остида сув борлигини кўрсатар экан. Чунки бу чумолилар жазирамада донларни ер остига сувга яқин намликдаги жойга тўплаб, донлар намликда юмшагач ейишаркан.

⊙ Асалхўр чумолилар ҳам бор. Жанубий Америкада шундай чумолилар борки, улар ўсимликлардан йиққан асалларини қоринларида сақлашади. Булар иш билан банд бўлиб қолган чумолилар оч қолганда қоринлардаги асал билан уларни боқади.

Дам олиш соатида

ЧАЙН-КРОССВОРД

Чайнворд. 1. Қозоқ латифаларининг қаҳрамони. 2. Чим хоккейи командаси. 3. Машҳур ҳинд кинофильми. 4. Одамзод қўлига ўрганган бирдан бир ҳашарот. 5. Чет эл автомобиль маркаси. 6. Вақт ўлчови. 7. Республика пойтахти. 8. Йўл чеккаси. 9. Бокс майдони. 10. Қадимги грек тарихчиси. 11. Қирғизистон энергетикасининг гиганти. 12. Бир оёқда туриб ухлайдиган қушлардан бири. 13. Мамлакатимиздаги ярим орол. 14. Бразилиядаги дарё. 15. АҚШдаги штат. 16. Ёввойи ҳайвон.

Кроссворд. 1. Совет комик артисти. 2. Севимли совет болалар ёзувчиси. 3. Фойдали қазилма. 4. Ўзбекистондаги мармар кони.

Тузувчи: **И. МИРЗАЕВА.**

9 АВГУСТДАГИ «КРОССВОРД»НИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Туркманистон. 5. Чемпион. 6. Обигарм. 8. Сафсар. 11. Рустам. 12. «Динамо». 13. Нептун. 15. Байкал. 19. Лайлак. 20. Еттисув. 21. Пародия. 22. Обсерватория.

БЎЙИГА: 1. «Тўмарис». 2. Маипар. 3. Иморат. 4. Ниагара. 5. Чибурданидзе. 7. Метеорология. 9. Зайтун. 10. Жиззах. 14. Полотно. 16. Комедия. 17. Ғалвир. 18. Карпат.

∴ ∴ ∴

«Шанба оқшоми» саҳифаларидаги кроссвордларга А. Аюбов, Б. Икромов, Ш. Ҳалимов, М. Обидова, Д. Мирзаева, Ш. Садиров, Қ. Нуриев, О. Омонхўжаева, Ҳ. Бурхонов ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Қайнатиб совитилган сувни ичинг!

Қозоғистон мевачилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти ва Қозоғистон қишлоқ хўжалик институтининг тадқиқотчилари И. Д. Зелепухин ва В. Д. Зелепухинлар совитилган қайнаган сув чинакам шифобахш ичимлик, деб фикр юритмоқдалар. Гап шундаки, махсус совитилган қайнаган сувда қайнатилмаган сувдагига нисбатан анча кам газ эрир экан.

Экспериментлар кўрсатишича, сувдан газлар қанчалик кўп кетказилса, унинг сиртий таранглиги ошар, электр ўтказувчанлиги ўзгарар, молекулалар ўртасидаги боғланиш кучи шунчалик ошар экан. Бундай сувда энергия кўпроқ, у биологик мембраналардан осонроқ ўтади. Эҳтимол, шу сабабли ўсимликлар бундай сувни оддий сувга нисбатан яхшироқ ўзлаштиради. Масалан, агар оқ қайин баргларини узил, биринчи ҳолда оддий сувли стаканга, иккинчи ҳолда газсизлантирилган сувли стаканга солиб қўйилса, бир соат ўтгандаёқ барг газсиз сувни бир неча марта яхшироқ «ичишини» пайқаш мумкин.

Контроль ва тажрибавий нусхалар ўртасида энг катта тафовут гемоглобин бўйича кузатилди: контролдагилар қонида унинг миқдори ўртача 75,8 бирликни, тажрибавий каламушлариникида—93,4 бирликни ташкил этди. Тажрибавий гуруҳда турли органлардаги дегидрогеназа ферментларининг активлиги юқорироқ бўлди.

«Совуқ қайнаган сув» тиббиётда ҳам баъзи бир касалликларнинг олдини олиш ва даволашда, шунингдек организмнинг умумий бардошлигини ошириш учун қўлланилиши мумкин.

Экспериментларда газсизлантирилган сув уни ангина ва юқори нафас олиш йўллари катарига қарши профилактик ва шифобахш восита сифатида ишлатилганда яхши самара берди. Янги совитилган қайнаган сув (плюс 25—30° температурали) мазкур ҳолда ҳар куни томоқ-бурунни ингаляция қилишда қўлланилди. Бундай сув яллиғланишга қарши хусусиятларга ҳам эга бўлиб, баъзи бир тери касалликларини даволашда яхши самара беради.

Совуқ қайнаган сув олиш учун у сутни пастеризациялаш қурилмалари 90°С гача ёки қайнагунча иситилиб, сўнгра тезда плюс 20—25 даражагача совитилади.

Гўзал шаҳримизнинг сўлим оромгоҳлари унинг ҳуснига ҳусн қўшган. Меҳнаткашлар бу хушманзара масканларда роҳат қилиб дам оладилар.

СУРАТДА: «Ғалаба» боғининг зилол кўлида сайр.

М. Нуриддинов фотоси.

НОЁБ ЎСИМЛИКЛАР

«БАХТ РАМЗИ»

Океания оролларида сейшал пальмаси ўсади. У наботот оламида ноёбдир. Сейшал пальмасининг танаси тўғри бўлиб, баландлиги 25—30 метр, диаметри эса 30 сантиметрга боради. Барглари елпуғичсимон, узунлиги 3—4 метрдир.

Сейшал дарахти 30 ёшга етганда, гуллайди, меваси — ёнғоғи жуда кеч — 10 йилда етилиб пишади. Ёнғоғининг пўсти кўкимтир зайтун рангида бўлиб, бир дона ёнғоқнинг оғирлиги 10—15 килограмм, айримлариники 25 килограммгача боради.

Қадимда сейшал ёнғоғи «Бахт рамзи» ҳисобланган. Бахт ва даромадни қўлга киритиш мақсадида бир дона сейшал ёнғоғини қимматбаҳо буюмларга, ҳатто бир кема молга алмашиб олган кишилар ҳам бўлган.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ҲАЖВ ДАФТАРИДАН

БАЪЗИДА

Ногаҳонда олов қочиб бир ҳовлига ўт кетди,
Бу хабарнинг алангаси қўшниларга тез етди.
Шошилишди шунда кўплар асбоб олиб ёрдамга,
Ва бир зумда ҳовли тўлди ўт ўчирар одамга.
Бири қўрқмай олиб чиқар уй ичидан буюмни,
Бири ўтга сув сепади, бири тупроқ, ё қумни.
Шов-шувлардан уйқу қочиб, ўт пасайган маҳали—
Не гап деб уйдан сенин чиқиб келди Мирвали.
Бор овозда сўйлай кетди ўт тушгандай юранка,
Одамларга иш буюрар, икки қўли чўнтакда.
—Қани, тезроқ олгин белни, анқаймасдан сен дарров,
Ана челак, сувга чопгин, қум сепсанг-чи, ҳой аҳмоқ...
Гар бормаган бўлса ҳамки ёнар ўтнинг ёнига,
Ишбошилик қолди охир Мирвалининг номига.

Исмоил ТУХТАМИШЕВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.50 «Қўшиғимиз, парвоз эт». 18.30 «Сиз яратган боғ». 19.00 Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғу асбоблари факультети студентларининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 19.25 «Олимпиада-80» 26 июль кинокундалиги. 19.45 Вьетнам артистларининг концерти. 20.05 А. С. Грин туғилган кунининг 100 йиллигига. «Ланфиер колонияси». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «О сен, сўнгги муҳаббатим...». Фильм-концерт премьераси. Ф. И. Тютчев шеърлари асосида. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Мотоспорт бўйича жаҳон чемпионати. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. 23.35 Халқаро конкурслар лауреати З. Шоҳмурзаева (скрипка) ва А. Гарин (гитара) Н. Паганини сонаталарини ижро этади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Хайр, боғчажон!». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.20 Афғонистон миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Ер ислоҳоти». Ҳужжатли фильм. (Ўзбекхроника). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Инсон болаликдан бошланади». (рус.). 22.35 «Ринг». Бадиий фильм.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Йўловчи». (рус.). 21.05 «Қизиқарли математика». 21.35 «Йил фасллари». Телефильм. 22.05 «Мамлакатимиз кишилари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.

19 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Нега филлар?». Мультфильм. 10.20 «Ланфиер колонияси». Бадиий фильм. 11.45 «Халқ булоқлари». Фильм-концерт. 12.15 Ленинград ҳужжатли фильмлар студиясининг ҳужжатли фильмлари программаси. «Сервис — қишлоқча сўз». «Ҳаётдан сўнг ҳаёт». 12.45 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 13.15 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Арсенал анъанаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 Болалар учун. «Тонгда шудринг томчилари ҳам». Телевизион бадиий фильм. 17.00 «Афсоналар оламида». Фильм-концерт. 17.30 Афғонистон миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Афғонистон. Революция давом этмоқда». Ҳужжатли фильм. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ва «Афгонфильм» киностудиясининг биргаликдаги маҳсулоти. 18.20 Халқаро конкурс лауреати Ю. Вострелов чалади (баян). 18.45 «КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК». «Приморье балиқчилари, Ишлар ва ташвишлар». Кўрсатувда КПСС Приморье ўлка комитетининг секретари Н. Т. Хромовский иштирок этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Олимпиада-80». 27 июль кинокундалиги. 19.50 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. А. Калининнинг шу номли повести асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти М. Биешу концерти. «Олимпиада-80». маданий программаси концертлари туркумидан. Танаффус пайтида (22.40) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Гулгунча» болалар ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.00 «Ақлли буюмлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 13.05 «Ринг». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.). 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Шеърият дафтаридан». Ҳ. Ғулом. 20.05 «Фан уфқлари». 20.30 «Ахборот». 20.50 Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли Қашқадарё драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.20 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади». «Учинчи меҳнат семестри». 20.55 Новеллалар кутубхонаси. Бадиий ўқиш (рус.). 21.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан». (рус.). 22.00 «Бир актёр театри». М. Ю. Лермонтов. «Мцири». 22.50 «Кўза». Телевизион бадиий фильм. (рус.).

20 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Сизга манзур шеърлар». 10.35 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.15 Ҳужжатли фильмлар программаси. 12.45 И. Брамс. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун соната. 13.15 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Днепрдаги Комсомольск». «Бахтли оила». «Калинино қишлоғи увертюраси». 16.10 «Рус тили». 16.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Шелкалин куйлайди. Воронеждан олиб кўрсатилади. 17.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 17.25 «Подмосковье диалоглари». 17.55 «Эртакдагидек олам». Фильм-концерт. 18.25 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Москва 1-мебель йиғув комбинатининг коллективи ҳақида. 18.40 «Расмларда қуёш акси бор». 18.55 «Олимпиада-80». 28 июль кинокундалиги. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биз сен билан, ўртоқ». М. Таривердиевнинг М. Светлов шеърига басталаган вокал туркуми. Фильм-концерт. 19.50 «Олимпиадачилар уйларига қайтишди». 20.05 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қачон? Қаерда?». Телевизион викторина. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Г. Доницеттининг «Қўнғироқча» комик операси. Ижрочилар: С. М. Киров номли Давлат академик опера ва балет театрининг артистлари. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Ёғоч оқизиш». Телевизион очерк. 22.45 С. Прокофьев ва П. Сарасате асарларини Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати А. Корсаков ижро этади (скрипка). 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Музикали киоск». 23.45 «Лирик майда-чуйдалар». Ҳужжатли фильм. 23.55 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун концерт. 12.00 «Ақлли буюмлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус.). 13.05 «Юртим тароналари». Шеърий композиция. 13.35 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ҳар қандай ёлғончи жазоланади». Мультфильм (Румыния). 18.30 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.00 «Ичкиликбозликка қарши кураш». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Дўстмуҳамедова ва А. Шукуров концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қалбим аро қўшиғим сизга». СССР халқ артисти Л. Зикинанинг Жиззах области чўлқуварлари билан учрашуви ҳақида видеофильм премьераси. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ишга туширилаётган объектлар ўз муддатида». Поп шаҳри тўқилмаган газламалар фабрикаси ва Қўқон ип-йигирув пайпоқ-тўқув комбинатининг қурувчилари мусобақалашмоқдалар. 22.30 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Иссиқ нон». (рус.). 20.45 «Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида». 21.15 Реклама. 21.30 «Совет жангчиси» почтаси. 22.00 «Ярим кечада учрашув». Музикали новелла. 22.20 «Андронников сўзи». Бадиий ўқиш. 1-фильм. (рус.).

21 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горнчилар қаердасиз!». 10.25 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.45 «Леннаучфильм» студияси илмий-оммабоп фильмлари программаси. «Рус музейи заллари бўйлаб». «Рус чиннилари бор бўлсин». 12.30 «Коми АССР ансамбли куйлайди ва рақсга тушади». Фильм-концерт. 13.00 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.15 «Инсон ерда». Кинопрограмма. 15.50 Болалар учун фильм. «Салом, Ральф». Телевизион бадиий фильм. 17.00 «Шахмат мактаби». 17.30 «Дарвозаси тиллодан». Болалар учун музикали программа (ЧССР). 18.20. «Время». программасининг почтаси. Шарҳловчи Е. Синицин олиб боради. 18.55 «Олимпиада-80». 29 июль кинокундалиги. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ленин номи билан». «Шимолий Уралнинг иқтисодий ривожланиши. Кўрсатувни КПСС Свердлов область комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин олиб боради. 20.05 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги. МАСК—«Таппара» (Тампере, Финляндия). Австриядан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари.

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Мактаб ўқувчилари учун «Нурафшон даври» (такрорий, рус.). 12.00 Ю. Яковлев. «Нуридийдам Володя». И. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қайнкча». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз—80-йил комсомоллари». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Дўстлик оҳанглари». Фильм-концерт. 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»—«Нефтчи». (Боку). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот». 21.15 «Чорвачилик—зарбдор фронт». 21.30 Москва. «Время». 22.00 Қорақалпоғистонда Татаристон АССР маданият кунларининг тантанали очилиши. Нукусдан олиб кўрсатилади. (Трансляция пайтида ёзиб олинган). Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильмлар. «Тимсоҳ Гепа». «Кичик талантлар». 21.05 Врач маслаҳати. 21.20 «Андрониқов сўзи». Бадиий ўқиш. 2-фильм (рус.). 22.20 «Далида Софияда». Фильм-концерт. 22.30 «Энг сўнгги кун». Фильм-спектакль. 1-серия (рус.).

22 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Ошиқ булут», «Қутурган поезд». 10.30 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.50 «Рязанские ложкари» болалар ансамблининг концерти. 12.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.20 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.30 «Экран» ижодий уюшмаси телевизион ҳужжатли фильмлари программаси. 16.05 «Лятова» Мордва ашула ва рақс ансамблининг концерти. 16.20 «Жонажон табиат». 16.40 «Олимпиадачилар ўз орамизда». «Чарм тўп» клубининг соврини учун. 17.25 «Бу ерда рус лираси жаранглаган». Фильм-концерт. 18.05 «Биз БАМ қурямиз». 18.35 «Олимпиада-80». 30 июль кинокундалиги. 18.55 «Дунё воқеалари». 19.10 «Лирик миниатюралар». Фильм-концерт. 19.20 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Спартак». 2-тайм. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 20.05 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Эрмитаж». Пётр даври маданияти. Эрмитаж директори, академик Б. Б. Пиотровскийнинг кириш сўзи билан бошланади. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 Социалистик мамлакатлар бал рақслари ижрочилари, VI халқаро конкурси қатнашчиларининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Локомотив» — «Динамо» (М). «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.45 СССР халқ артисти Д. Журавлёв А. П. Чеховнинг «Ҳазил», «Эр» ҳикояларини ўқийди. 23.55 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ухти-тухти». Мультфильм. 11.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 12.05 «Қўшиқлар парвози». Бадиий фильм («Ўзбектелефильм»). 13.20 «Замандаш». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Звёздочка». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. «Табиий-математика фанлари соҳасида ибн Синонинг ишлари». 20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова ва А. Эрнаев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 22.35 «Ўлимга маҳкумлар қасри». Бадиий фильм. (Румыния). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Ўқитувчиларнинг августдаги йиғилиши». Янги ўқув йилига бағишланган кўрсатув. 20.55 Болалар учун фильм. «Бўғирсоқ ҳақида эртак». 21.05 «Матбуот» бирлашмаси: одамлар ва беш йиллик» (рус.). 21.35 «Яна пойга». «Горещ». Телефильмлар. 22.05 «Энг сўнгги кун». Фильм-спектакль. 2-серия (рус.).

23 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 Эрталабки гимнастика. 10.00 «Буратино кўргазмаси». 10.30 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.55 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.25 Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги. МАСК—«Модо» (Швеция). Австриядан олиб кўрсатилади. 14.10 «Сиз бунга қодирсиз». Ёш ихтирочилар конкурси. 14.55 «Спортлото»нинг 34-тиражи. 15.10 «Советлар ва ҳаёт». 15.40 «Эрмитаж». Пётр даври маданияти. Эрмитаж директори, академик Б. Б. Пиотровскийнинг кириш сўзи билан бошланади. 16.10 «Дунё воқеалари». 16.25 «Ҳайвонот оламида». 17.25 Руминия халқининг миллий байрами — Руминия фашист босқинчиларидан озод этилган кунига Руминия социалистик республикаси телевидениесининг программаси. 18.25 «Оқ бўталоқ». Мультфильм. 18.45 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 19.15 «Олимпиада-80». 31 июль кинокундалиги. 19.35 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. Кўрсатувни Д. А. Голованов олиб боради. 20.20 А. С. Грин туғилган кунининг 100 йиллигига. «Орзу рилари». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 РСФСР халқ артисти Э. Пьеха, И. Кобзон, Ёқутистон АССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. ва О. Кирюшкинлар, Г. Каменний, Т. Филимонова ҳамда «Лайне» вокал-чолғу ансамбли ва бошқалар иштирокида Олимпиада қишлоғи Маданият марказининг ёпилишига бағишланган концерт. 23.15 «Бу ажойиб дельта». Астрахань қўриқхонаси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.25 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Амургиқам». «Авачинск вулқони». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье» программасининг почтаси. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 «Балетмейстер Қодир Мўминов». (такрорий). 11.35 «Пушкин эртаклари». Қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 12.55 «Одам бўлмайди». Бадиий фильм. 14.25 «Ўзбекистон спорти».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Ўргатилган паровозча». 18.30 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.00 Ота-оналар университети. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Фаттохон Мамадалиев ижросида ўзбек классик қўшиқлари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.20 «Турмуш маданияти — ҳаёт зийнати». Бухоро областидан кўрсатув. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Пионер» студияси кўрсатади (рус.). 19.00 Болалар учун. «Тонг юлдузини кўряпман». 19.15 «Новости». 19.35 Фильм-концерт. 20.05 «Ахбор». 20.30 Пахтакорлар учун концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бизнинг шарҳлар». Сиёсий шарҳловчи суҳбати. 22.40 «Бизнинг бурчимиз». Бадиий фильм (тожик тилида).

24 АВГУСТ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.05 «Арфа торлари жаранглаганда». Фильм-концерт. 10.15 «Будильник». 10.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 12.30 «Тонгги почта». Музикали программа. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Қизил ва қора». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Стендалнинг шу номли романи асосида. 3-серия. 15.35 «Шаҳарлар ва одамлар» туркумидан «Темиртов, ёшлигим менинг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.10 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 16.55 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳида». 17.10 «Киносаёҳатчилар клуби».

18.10 «Зое кетган вақт ҳақида эртак». Мультфильм. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Олимпиада-80». 1 август кинокундалиги. 19.35 Балет артистларининг концерти. 20.05 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Она». Бадиий фильм. «Мосфильм», «Букурешть» (Румыния) ва «Ралюкс-фильм» (Франция). 21.30 «Время». 22.05 «Александр Гриннинг ижоди». 22.50 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр РСФСР халқ артисти В. Федосеев, солист—РСФСР халқ артисти Е. Малинин (фортепьяно). 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Ҳужжатли экран». Шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Халқ оҳанглари. 23.30 «Инсон ва қонун».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Наманган музикали драма ва комедия театрининг солистлари. Т. Саъдуллаев ва Б. Бакиров концерти (такрорий). 10.50 «Кинопублицист экрани». 11.30 «Шахмат мактаби». 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Балоғатга етмаган ёшлар». Бадиий фильм. 14.20 «Тошкент. ёш архитекторларнинг ижоди» (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Билмасвой Қуёш шаҳрида». Мультфильм. 18.40 «Уйлаб топ» (рус.). 19.10 «Гитара куйлаганда». Фильм-концерт. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР халқ артисти Зейнаб Хонларова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Йиғим-теримга ҳамма нарса шайми!». 22.20 СССР халқ артисти Зейнаб Хонларова концерти (давоми). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Болалар учун мультфильм. 17.10 Экранда—оперетта. 18.15 «1001-гастроль». Бадиий фильм. 19.25 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 19.50 Беш йиллик илғорларига бағишланган концерт. 20.20 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. «Комсомолларнинг съездолди вахтаси» (қирғиз тилида). 20.50 Ю. Смуул. «Ёввойи капитан». Телеинсценировка (қирғиз тилида). 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИНО

16 АВГУСТДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН» —**Дружба.**

«ОҚ ЛА ЛАКЛАР МАМЛАКАТИДА»— **Москва.**

«ХУШ КЕЛИБСАН, ЭСТОНИЯ!» —**ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«АВИАЦИЯ МАРШАЛИ»— **Восток.**

«БЛЕФНИНГ ҲАЛОКАТИ» —**Луначарский номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.45, телефон: 44-39-51). **Тинчлик** (16.30, 21.00, телефон: 53-86-07), **Мир** (17, 20.00, телефон 91-08-30).

«АРТИСТ»НИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон: 39-11-76), **Ҳамза номли** (тоқ соатларда, телефон 91-10-51).

МАКТАБ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

АГАР СИЗ ҲАЛИ ФАРЗАНДИНГИЗНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАБ УЛГУРМАГАН БЎЛСАНГИЗ

ПОЙТАХТ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДАГИ МАКТАБ ЯРМАРКАСИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ.

Канцелярия товарлари ва мактаб-ёзув қуроллари секциясида мактаб учун товарларнинг кенг ассортименти савдога қўйилган:

ПОРТФЕЛЛАР, РАНЕЦЛАР, ЎҚУВЧИ ПАПКАЛАРИ, РАСМ ВА ЧИЗМАЧИЛИК АЛЬБОМЛАРИ, ШАРИКЛИ ВА ПЕРОЛИ АВТОРУЧКАЛАР, ҚАЛАМЛАР, СИЁҲЛАР, ТУШЬ, ЧИЗҒИЧЛАР, ҲИСОБЛАШ ТАЁҚЧАЛАРИ, ПЛАСТИЛИН, АКВАРЕЛЬ БЎЁҚЛАР, РАНГЛИ БЎРЛАР ВА БОШҚАЛАР.

ГУМГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Мактаб бозори душанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ГУМ

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

16 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.10 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.55 ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектакли премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Фильм-спектаклнинг давоми. 23.00 Латвия ССР халқ артисти Раймонд Паулс чалади. Ригадан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (23.30)— Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.20 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Кизганчик Кузя». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.30 «Шоирлар— болаларга». 19.00 В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 60 йиллигига. «Фанга бағишланган умр». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Интерцирк—80». Цирк программаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳабиба Охунова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.20 Хоразм филармониясининг солистлари ва Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов концерти. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан» (рус.). 17.55 Янгиликлар. 18.15 Ёшлар учун программа. 19.10 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.55 «Кўл бўйидаги тароналар». Фильм-концерт. 20.25 «Ахбор». 20.50 Концерт.

17 АВГУСТ — ЯКШАНБА

СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.05 Москва Давлат билим юрти болалар хорининг концерти. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Здоровье» программасининг почтаси. 12.45 «Тонгги почта». Музикали программа. 13.15 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал. 13.25 «Қишлоқ янгиликлари». 14.25 «Музикали киоск». 14.55 «Қизил ва қора». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Стендалнинг шу номли романи асосида. 2-серия. 16.00 «Шаҳарлар ва одамлар» туркумидан. «Муҳаббат ҳақида монологлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.30 «Бугун— СССР Ҳаво Флоти куни». Ҳарбий-Ҳаво кучлари бош қўмондони, СССР мудофаа министрининг ўринбосари, авиация бош маршали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. С. Кутахов сўзи. 16.45 «Хатларингиз асосида». СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланган музикали программа. 17.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.30 «Уйчадаги уйин», «Нега энди филлар?». Мультфильмлар. 18.55 «Халқаро панорама». 19.40 «Олимпиада-80». 25 июль кинокундалиги. 20.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Кинолавҳа. 20.30 «80-йил қўшиқлари». 21.30 «Время». 22.05 «Халқ жилолари». Концерт. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач— (24.00)— Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

21.55 М. Светлов поэзияси. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». СССР халқ рассоми Ю. М. Непринцев. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ёшлар куйлаганда...» М. Иброҳимова, С. Қориева ва И. Ғуломов. 10.50 «Қирол овда». И. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.10 «Учишга рухсат этинг». Бадиий фильм. 14.45 «Кинопублицист экрани» (рус.). 15.30 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильмлар. «Димканинг жаҳли чиқди». «Менинг филим бўл». 18.45 Болалар учун. «Юлдузча». 19.15 «Ахборот» (рус.). 19.30 «Сертакшинлар ёш». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ҳосилни машиналарда териб оламиз». 22.20 «Бизнинг фазо, фазо қадрдон уйимиз». Кўрсатув СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланади. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран— болаларга. 16.35 Қирғизистонда Белоруссия кунларига. «Ҳаёт мазмуни». Хроникал-ҳужжатли фильм. 17.20 «Тошҳоким». Фильм-спектакль. 18.55 «Белоруссия ССР санъат усталарининг концерти». Фильм-концерт. 19.35 Қирғизистонда Белоруссия кунларига. «Шаҳарнинг навқиронлиги». Телефильм. Қирғиз тилида. 19.55 Дам олиш концерти. 20.35 «Қайнар булоқ». Телеальманах. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Душанба кўрсатувларининг охири.

САНЪАТ САРОЙИНИНГ

КАТТА ЗАЛИДА

25 август соат 19.00 да

«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОН!»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ

ПРЕМЬЕРАСИ.

«Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти.

Сценарий автори —Андрей ТАРКОВСКИЙ.

Сеанс бошланишидан олдидан фильм ижодкорлари билан учрашув ўтказилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР

ГРАЖДАНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

Йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва транспорт-йўл ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида пассажир автотранспорти бош ишлаб чиқариш бошқармаси абонемент билетларини бекатларда ҳайдовчилар томонидан фақат 10 донадан сотилишини

БИЛДИРАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 31-уй. Телефон: 56-70-18.

ТОШКЕНТ ШАҲАР

ГРАЖДАНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

Йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида пассажир автотранспорти бош ишлаб чиқариш бошқармаси микроавтобус маршрут таксиларининг салонларида йўл кира тўланадиган касса-копилкаларни ўрнатди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 31-уй. Телефон: 56-70-18.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН ЙИГИТЛАРНИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бюро сизнинг истагингиз, мутахассислигингиз ва малакангизни ҳисобга олган ҳолда ишга жойлашишингизга ёрдам беради. Чунки бюро шаҳар корхона ва ташкилотларидаги ишчи кучига бўлган эҳтиёж, иш шароити, меҳнат ҳақи, ётоқхона бор-йўқлиги ва бошқа маълумотларга эга.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИГА КЕЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ— райижроком, Совет Армияси хиёбони.

«Ремстройгазмон т а ж» бошқармасининг Тошкент область хўжалик ҳисобидаги участкасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги.

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ

1980—1981 ўқув йили учун

ОШПАЗ ВА КОНДИТЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ ГРУППАСИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 22 ёшгача бўлган Ўзбекистоннинг шаҳарларида турувчи қизлар ошпазлик ва кондитерлик группасига қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Барча ўқувчиларга стипендия берилади, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, 3х4 см. ҳажмидаги 3 та фотосурат, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (асл нусхаси), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма), турар жойидан справка, мактабдан ёки ишлаган жойидан справка (характеристика), шаҳар савдо бўлимидан ёки ошхоналар трестидан йўлланма, ҳарбий хизматчилар ёки чақирилувчиларнинг учёт гувоҳномаси ёки ҳарбий билети бўлиши керак.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Оқтепа массиви, 12, 32, 34, 36-автобуслар, 4, 9, 11, 19-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати).

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66, саноат 32-33-83, қурилиш — 32-56-85, шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81, ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70, эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—16528. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2142.